

## **СОБИР АБДУЛЛА, ЧАРХИЙ ВА ҲАБИБИЙ ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР**

**Ҳайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна**

Қўқон ДПИ тадқиқотчиси

[h.gulhayoxon90@gmail.com](mailto:h.gulhayoxon90@gmail.com)

**Аннотация:** Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирувчи девонларида аруз вазнининг ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарих, музориъ, муқтазаб, мужтас, сариъ, хафиф, мушокил, мутақориб, мутадорлик, комил, воғир каби баҳрларидан кенг фойдаланган. Ушбу анъана кейинги давр ғазалнавислари ижодида кенг қўлланилиб келинган. XX аср ижодкорлари Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибий лирик меросида ҳам мазкур анъана изчил давом еттирилар екан, адабий ва ижтимоий мухит ҳамда ўзбек тилининг лингвистик хусусиятлари таъсирида айрим баҳрларда маълум ўзгаришлар кўзга ташланади.

**Калит сўзлар:** “Ҳазойин ул-маоний”, вазн оҳанги, сакталиклар, ҳазажи мусаммани аштар, ҳижо, анъанавийлик, ўзига хослик, ижтимоий мухит, ижодий лаборатория.

Шарқ мумтоз адабиётида ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик аруз вазнларидан кенг ва мукаммал фойдаланмаган. Ҳазрат Навоий “Ҳазойин ул-маоний” девонига киритилган ғазалларда ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарих, музориъ, муқтазаб, мужтас, сариъ, хафиф, мушокил, мутақориб, мутадорлик, комил, воғир каби вазнлардан моҳирона фойдаланган. Мазкур баҳрларнинг айримлари XX аср ўзбек ғазалнавислари Собир Абдулла ва Чархий ижодида янгидан бўй кўрсата олди. Рус адабиётшуноси Ю.Лотманнинг “Новаторлик ҳар доим ҳам янгилик кашф этиш эмаслиги, балки у анъанага алоҳида эътибор билан қараш ва айни вақтда хотирада уни тиклаш ҳамда у билан ўхшаш бўлмаслик<sup>1</sup>” деган фикрининг исботи Собир Абдулла ва Чархийнинг ижодий лабораториясида намоён бўлди, десак муболага бўлмайди. Яъни, янгилик яратмасдан туриб, мавжуд анъаналарни янада такомилига етказиб, адабий мухит ва замон тўсиқларини енга олувчи ҳамда бошқаларни тақрорламайдиган чинакам бадиий асар пайдо қила олсагина, уни ҳақиқий ижодкор деса бўлади. Собир Абдулла қаламига мансуб қуйидаги байтлар ҳазажи мусаммани аштар баҳрида ёзилган:

Ранжимас/ ҳақоратдан,/ қўксисда / қўли доим,

Ҳам олиб /эшитмасга,/ ўзни кўр/ сатар кар, шайх...

Назр ила /ниёз тўплаб,/ кун ўтар/ фароғатда,

Нега ин/дамас ҳеч ким,/ бўлса ҳам / муқаррар шайх?<sup>2</sup>

— V — /V — — — / — V — / V — — —

фоилун /мафоийлун /фоилун /мафоийлун

Ҳазажи мусаммани аштар баҳри тармоғида ёзилган ғазаллар Алишер Навоий, Увайсий, Оғаҳий, Ҳамза каби ижодкорлар асарлари орасида учрайди. Собир Абдулланинг юқоридаги мисралари бевосита Алишер Навоий ва Ҳамза ижодидан таъсиrlаниш натижасида вужудга келган. Ҳамзадаги:

Келди о/чилур ҷоғи,/ ўзлигинг /намоён қил,

Парчалаб/ кишанларни,/ боғ ичи/да жавлон қил<sup>3</sup>.

матлаъси билан бошланувчи ғазали ижтимоий мухит таъсирида ёзилган бўлса, Собир Абдулланинг ғазали ҳам худди шу йўналишнинг давоми сифатида қораланган. Ҳамза ва Собир Абдулланинг устозшогирд сифатидаги адабий фаолияти натижасида бундай мавзу ва йўналишдаги ғазаллари қўплаб ёзилган.

Арузнинг мана шу тармоғи Чархий ғазалиёти учун ҳам бегона эмас. Унинг “Девон”ида мавжуд “Янги йил” сарлавҳали ғазал ҳазажи мусаммани аштар баҳрининг намунасиdir:

<sup>1</sup> Лотман.Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Ленинград: Просвещение, 1972. Стр.130

<sup>2</sup> Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.147.

<sup>3</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/begali-qosimov-hamza.html>

Янги йил /муборак деб, /давр шо/дмон келди,  
Дўст учун /бўлиб яхши,/ ёв учун/ёмон келди.<sup>4</sup>

— V — /V — — — / — V — / V — — —

Эътибор қилинса, байтнинг иккинчи мисрасидаги ё бўғини қисқа хижо ўрнида турибди. Алишер Навоий ғазалларида ва умуман мумтоз арузшуносликда ё бўғини чўзиқ хижо деб қаралган. Ёмон сўзи соф ўзбекча сўз бўлиб, **ямон** шаклида қўллангани учун қисқа хижо сифатида олинади. Бу ерда я-ё тарзида ҳозирги замон тилшунослик қоидаларига ва ўзбек тилининг ҳолатига кўра хатолик юз бермаган.

Давр ғазалнавислари, жумладан, Чархий ғазалларида айрим русча-байналмилал сўзларга аruz вазнига солиш мақсадида ўзгартириш ҳам киритилган. Ғазалнинг тўртинчи мисрасида лотинчада “устахона” маъносини англатувчи фабрика сўзи **фабриг** тарзида қўлланган:

Санъату / санъаткорлар, / фабригу / заводлардан,  
Тухфа ҳо/ силин ортиб/ қанча ка/rвон келди.<sup>5</sup>

Байтдаги **фабригу заводлардан** фабрика-ю заводлардан шаклидаги жуфт сўз бўлиб, -ю юкламаси **ва** тенг боғловчисининг ўрнида қўлланган; **фабрика** сўзидағи **к** жарангсиз ундоши б ва р жарангли ундошлари таъсирида жаранглилашган. Демак, Чархий анъанавий аruz вазнида ғазал ёзиш мақсадига новаторона ёндашган.

Аruz вазнида ёзиш шоирдан юксак истеъодод, маҳорат билан бирга билим, кўнирма ва малакаларни ҳам талаб қиласди. Шундагина ижодкор сакталардан ҳоли, равон ва шаклан бекиёс назм намуналарини ярати олиши мумкин. Бундан ташқари, ғазалиётнинг шаклий хусусиятларига таъсир этувчи омиллар тақозосига кўра юзага келувчи қонуниятлар маълум даврга келиб вазнда ҳам кўриниши мумкин ва бу ҳодисани ўз вақтида илғаш ва ўрганиш ҳам зарур. Чунки даврлар ўтгани сайин тил ривожланиб ўзгариб боради, бирор миллат ёки давр шеърияти миқёсидаги шеърий тизимлар бир-бирига ўзаро таъсир қиласди ва шулар натижасида вазнда ҳам айрим ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Ушбу ғазалнинг ёзилиш санаси 60-йиллар эканлигига аҳамият берилса, адабиётшунос Валижон Қодировнинг шу йиллар ғазалиёти ҳақидаги фикрларини эслаш ўринли: “60-йиллардан кейинги ғазалларни кўздан кечирсан, уларнинг вазнида маълум ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бу ўзгаришларни икки гурухга ажратиш мақсадга мувофиқ кўринади:

Классик арузшунослик нуқтаи назаридан хато бўлса-да, ҳозирги замон тилшунослиги қоидаларига, ўзбек тилининг ҳолатига ва бошқа таъсиirlарга кўра оқлаш мумкин бўлган ўзгаришлар.

Классик арузшунослик нуқтаи назаридан хато, шунингдек, ҳозирги кунда ҳам оқлаш мумкин бўлмаган нуқсонлар.”<sup>6</sup>.

Худди шу нуқтаи назардан қараганда, Чархий ғазаллари орасида ҳам бундай хатолар йўқ, деб бўлмайди. Юқоридаги ғазалнинг мақтаъдан олдинги байтида мумтоз арузшунослик ва ҳозирги кунда ҳам оқлаш мумкин бўлмаган нуқсон мавжуд:

Янги йил / да хонамга, / янги йил / ни кутмоққа,  
Қўл тутиб / кўп қадрдон, / ёру меҳ / рибон келди.<sup>7</sup>

— V — /V — — — / — V — / V — — —

Иккинчи мисра бошидаги **тумтиб** сўзининг иккинчи бўғинидаги чўзиқ у ва **ёру** сўзидағи чўзиқ у харфлари вазн талаби билан қисқа у тарзида келтирилмоқда. Бу қўпол хато ҳисобланмаса-да, иккинчи мисрадаги **кўп** сўзи ёпиқ бўғин бўлгани учун чўзиқ хижо ҳисобланади, лекин бу ўринда қисқа хижонинг ўрнида қўлланмоқда. **Кўп** сўзи боғланган қадрдон сўзи қатор ундошли сўз эканлиги туфайли д ва р ундошлари орасига фақат талаффузда битта қисқа и унлиси ортириб ўқилаётгани сабабли, вазн оҳангига мослашиб талаффуз қилинаверади.

Аruz вазнининг таҳлил имконияти кенг бўлган ҳазажи мусаммани аштар баҳрида Ҳабибийнинг 1944 йил яратилган “Ойжамол” сарлавҳали ғазали ёзилган:

<sup>4</sup> Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.33.

<sup>5</sup> Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.33.

<sup>6</sup> Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Фил.фан.номз.дисс. –Тошкент: 1993. - Б.36

<sup>7</sup> Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.33.

Мехри ойжамолингга қўнглим ошиён бўлди,  
 Мехр эмас, вужудимга балки айни жон бўлди.  
 Кунда бир чиқиб хуршид оразингни шавқида,  
 Тўхтамай кезар дойим, кўкда **саргардон** бўлди...  
 Сабзалар **оёғингга** юзни суртиб ўпкайлар,  
 Бу шарафдин онларга боғ аро макон бўлди.  
 Кўз учи билан ул кун менга бир кулиб боқдинг,

Шум ракибларим бағри лахта-лахта қон бўлди.  
 Ўз қўлингда май тутдинг кўз тикиб, Ҳабибий деб,  
 Анча бор экан меҳринг шаммайи аён бўлди.<sup>8</sup>

— V — /V — — — / — V — / V — — —

Газалда фақат ажратиб кўрсатилган сўзларда айрим сакталиклар учраса-да (кўкда **сар / гардон** бўлди, бу ўринда –гар ёпиқ бўғинли сўз ва **оёғингга** сўзидағи о чўзиқ унлиси қисқа хижо ўрнида келган; (оёғингга сўзи XV асрга оид матнларда аёқингга шаклида ифодаланиб<sup>9</sup>, қисқа хижони англатган. Бу ўринда асл қўлёзмада аёқингга кўринишида ифодаланган бўлса, нашриёт томонидан хатога йўл кўйилган бўлиши ҳам мумкин)) ҳазажи мусаммани аштар баҳрининг энг яхши намуналаридан бири сифатида ва моддий ва маънавий жиҳатдан синовли йиллар ҳисобланмиш иккинчи жаҳон уруши даврларида дунё юзини кўрган энг яхши ғазал сифатида аҳамиятлидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Лотман.Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Ленинград: Просвещение, 1972.
2. Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.
3. Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Фил.фан.номз.дисс. –Тошкент: 1993.
4. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/begali-qosimov-hamza.html>

<sup>8</sup> Ҳабибий. Девон. –Тошкент: Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б.281.

<sup>9</sup> Аёқингга тушар, ҳар лахза гису,  
 Масалдурким: “Чароф туби коронғу” (Лутфий)